

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 10-aprel, chorshanba № 26 (15664)

9-aprel — Amir Temur tavallud topgan kun

Халқимиз даҳосининг буюк тимсоли

Амир Темур — халқимиз тарихи солномасидаги нажоткор қаҳрамонлардан бири.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз Ислоом Каримов раҳбарлигида маънавий тикланиш ва янгиланиш жараёнида Амир Темур бобомизнинг муборақ номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймоси ҳам тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилинди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига орден таъсис этилди. 2011 йили Юртбошимиз таклифи ва сўзбошиси билан «Темур тузуклари» асари мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди.

Истиқлол йилларида Амир Темур таваллуд топган кунни халқимиз улуғ аجدодимиз хотирасига эҳтиром сифатида ҳар йили кенг байрам қилмоқда. Соҳибқирон таваллудининг 677 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар ҳар бир юртдошимиз қалбига яна бир бор ўз ифодасини топаётир.

Анъанага кўра 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Нозим Ҳабибуллаев, Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Манара Риккардо, ёзувчи Нормурод Норқобилов, архитектура доктори, профессор Додо Нозилов мустақиллик йилларида Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар жараёнида Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат фалсафаси сифатида қадр ва эъзоз топаётганини таъкидлади. Соҳибқирон нафақат ўз давридаги энг қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият хомийси, балки ўз вақтида Осиё ва Европа қитъаларида рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир.

«Улуғ аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақлзаковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади», деб ёзади Президентимиз Ислоом Каримов «Темур тузуклари»нинг сўнгги нашрига ёзган сўзбошида.

Соҳибқирон шахсига қизиқиш халқаро майдонда тобора ортиб бормоқда. Бу беназир зотнинг қандай миллий замин ва тарихий шароитда ўсиб-улғайгани, қай тарихи шундай юксак чўққиларга кўтарилгани, давлат арбоби, енгилмас саркарда ва инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида янги-янги асарлар яратилмоқда. Амир Темур феноменини англаш, холис ва ҳаққоний ёритишга эса фақат мустақиллик туфайли кенг йўл очилди.

Бугун мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фарзандларимиз учун ҳеч қандай кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш борасидаги барча ислохотлар Амир Темур бобомизнинг дунёқараши ва тутумларига моҳиятан уйғундир. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

(Давоми 2-бетда)



Сарвар УРМОНОВ (УЗА) олган суратлар

Bolning begonasi bo'lmaydi

Тарбия ҳам дўстона берилади

Бизда таниш-нотаниш кишиларни ҳам — ўзимиздан каттароқ йигит бўлса, ака, кичикроқ бўлса, ука, опа ё сингил, хола ёки тоға, амаки, бобо, момо, онахон, отахон, деб қақриб кетаверишадими-я? Тил билгичлар айтсин-чи, яна қайси халқларда шундай?

Менимча, ҳамма халқда ҳам ўзаро муомалаларда бундай яқинлик йўқ. Уларда ёмон, бизда яхши, дегани эмас бу. Шунчаки, бизда бегона қилиш туйғуси йўқ. Кексалар «хўй, бола» ёки «хей, сен йигит» дейишмайди, «болам» деб мурожаат қилишадими эркалаб. Чунки кўз тегмасин, бизда боланинг бегонаси бўлмайди. Маҳалла аҳли ўзлари билан бир жойда яшайдиган ҳамма болаларни ўз жигарбандидай кўради. Йўқ,

десангиз, эртагаёқ кўчада сал қийшиқ юриб кўринг, маҳалла боболаридан қандай дакки эшитар экансиз, кўраимиз.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Боёв тумани кенгаши ташаббуси билан тумандаги 15-мактабда ташкил этилган давра суҳбати ҳам биз сўз бошлаган мавзуга бағишланди. Аслида, кун тартибдаги масалалар кўпроқ, Зеро, унда ёшлар ўртасида «оммавий маданият», вояга етмаганлар ўртаси-

да жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, миссионерлик ва ақидапарастликка қарши курашиш, одам савдоси ва унинг олдини олиш, диний экстремизм ва унинг оқибатлари каби масалаларда сўз юритилди. Мулоҳазалар билдирилди.

— Боланинг бўш вақтини мазмунли ташкил этолмаган ота-оналарни тушунмайман, — деди, ҳусусан, давра суҳбати мобайнида Боёв тумани ИИБ ВЕН инспектори, лейтенант Мухтор Мамаюсупов. — Ҳаммамиз бугун техника ривожланиб кетгани, фарзандларни назорат қилиш тобора қийинлашиб бораётгани

ҳақида нолиймиз. Ҳолбуки, биз, ота-оналар ана шу техника билан, замон билан ҳамқадам юрмас эканмиз, ҳолат бундан ҳам оғирлашаверади. Яъни, демоқчиманки, ҳар биримиз фарзандларимизнинг вақтини ана шу замонавий ахборот технологиялари воситасида ташкил этишимиз керак. 10-15 яшар болани, масалан, компьютер ёки телефондан айро ҳолда тарбиялашни ўйлашнинг ўзи катта хато. Замон шундайми, унга мослашиш тарбияланувчиларгина эмас, тарбия берувчиларнинг ҳам вазифаси бўлмоғи керак.

(Давоми 3-бетда)

«Kamolot» ko'zgusi

«Шажара» — Ғолиб

Чимбой туманидаги 14-мактабда тенгдошларимиз шурида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» деган туйғуни шакллантириш, бебаҳо маънавий меросимизни ёшлар орасида тарғиб этиш, Ватанимиз тарихини теран эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг худудий босқичи ўтказилди. Унда Тахтақўпир туманидаги 11-мактабнинг «Қораой», Қораўзак туманидаги 8-мактабнинг «Мерос», Кегайли туманидаги 9-мактабнинг «Отамкон», Чимбой туманидаги 5-мактабнинг «Шажара» жамоалари ўз билимини синаб кўрди. Танлов сўнгида «Шажара» жамоаси 1-ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўланма олди.

Ёшлар кутган ярмарка

Китоб — бебаҳо маънавий хазина. Ундан тенгдошларимизни баҳраманд этиш ёшларнинг дунёқараши ва тафаккури ривожига муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланган режага мувофиқ, Қорақалпоғистондаги барча олий таълим муассасаларида «Китоб — билим булоғи» мавзусида китоблар ярмаркаси ташкил этилмоқда. Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур ярмаркада тенгдошларимиз юртимизда чоп этилаётган турли адабий-бадий, илмий нашрлар билан танишмоқда. Китоблар ярмаркаси шу йилнинг 26 апрелига қадар давом этади.

Хайридин МУРОД,
«Turkiston» мухбири

Фойдали анжуман

Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Соғлигимда силни тўхтатаман!» шиори остида ёшлар анжумани бўлиб ўтди. Мазкур анжуман «Камолот» ЁИХ Чилонзор тумани кенгаши ҳамда Республика ДОТС маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ёшларни эзгу ғоялар атрафида бирлашишга чорлайдиган расмлар кўргазмаси намойиш этилди, рангбаранг куй-кўшиқлар янгради. Айниқса, «Эҳтиёт бўлинг: сил!» сахна кўриниши йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Сўнгра ёшлар иштирокида турли интерактив ўйинлар ўтказилди. Бунда қатнашчиларнинг билими, тезкорлиги синовдан ўтди. Ғолиблар эса муносиб тақдирланди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА

Халқимиз даҳосининг буюк тимсоли

(Давоми, боши 1-бетда)

Соҳибқирон «Тузуқлар»ида «яна амр эдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз курса, ё бирон боғ кўқартирса, ёхуд бирон қароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нима олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қондасига мувофиқ хирож йиғсинлар», деб ёзади. Бугун мамлакатимизда ҳам қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга кенг имтиёзлар берилмоқда. Бунинг самарасида бугун мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 83,6 фоиздан ортиги хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Амир Темури даврида фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, дарҳол керакли ускуналар етказилиб, ёрдам берилган. Мамлакатимизда ҳам 2012 йилнинг ўзида маҳаллий мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзгор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилди. Бу билан қанчадан-қанча рўзгорлар янада бутланиб, халқимиз турмуш маданияти, дунёқараши ва диди юксалмоқда.

Бу борадаги ислохотлар Обод турмуш йилида янада кенгаймоқда. Фаровон ҳаётга интилиш, ўз оиласини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, меҳнат билан турмушини обод

этиш, фарзандларининг ёруғ келажагини таъминлаш юртдошларимизнинг олий мақсадига айланмоқда. Зеро, Соҳибқирон Амир Темурининг «той минган — от минади» деган ҳикматида ҳам ҳар қандай буюк ўзгариш оддий кундалик ишлардан бошланишига теран ишора бор.

Тадбирда Ўзбек миллий академик драма театри актёри Толиб Мўминов Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмасидан Амир Темури монологини ўқиб берди.

Амир Темури хайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Сул-

тонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова, Тошкент шаҳар ҳоқими Р.Усмонов иштирок этди.

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Амир Темури ва темурийлар ҳаёти ва фаолияти» мавзусидаги ишлардан танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Амир Темури ва темурийлар даврига оид экспонат ва китоблардан иборат «Буюк Соҳибқирон — буюк бунёдкор» деб номланган кўргазма очилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА мухбири

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Юксак маънавиятли ёшлар — эл-юрт келажаги

Мамлакатимизда юксак салоҳиятли, чуқур билимга эга ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказиш, уларда она-Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини юксалтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Ана шу мақсадда Президентимиз Исломи Каримовнинг қатор фармон ва қарорлари, «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

Сурхондарё вилоятида ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларнинг онгу шурида миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини кучайтиришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти кенгаши раҳбари Оллакул ХУДОЙБЕРДИЕВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Дунёда глобаллашув жараёни кечяётган ҳозирги шароитда ёшларимизни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг сифати ва самарадорлигини ошириш долзарб вазифалар сирасига киради. Президентимиз Исломи Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига таъкидлаганидек, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб этиш ниҳоятда қийин.

Вилоятда аҳоли, айниқса, ёш авлодни халқимиз менталитетига ёт бўлган ана шундай маънавий таъсир ва турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ёшларга миллий қадриятларимизга мутлақо зид бўлган «оммавий маданият»нинг салбий оқибатларини кенг тушунтириш борасида олиб борилаётган маърифий ишлар уларни урф-одатларимизга, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган.

Ёш авлод учун ташкил этилаётган фестивал, учрашув, суҳбат ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар уларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий жараёнларга муносабатларини шакллантириш, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат ва эътиборини кучайтириш, дунёқарашини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоятнинг барча худудларида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!», «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ўтказилган ёшлар фестиваллари бу борада яхши самара берди. Тадбирларда таниқли олимлар, шоир ва

ёзувчилар, санъаткорлар, машҳур спортчилар, ёш олимлар, истеъдодли ва иқтидорли ёшлар фаол иштирок этди. Фестивалнинг Термиз шаҳрида бўлиб ўтган якуний босқичида лойиҳа доирасидаги тадбирларда фаол қатнашган ёшлар «Энг намунали ёш оила», «Энг яхши маънавият тарғиботчиси», «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси» каби ўнга яқин номинациялар бўйича тақдирланди.

Бундай тадбирларда ёшлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқтартибот идоралари, хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлимлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. «Ёшлар диний экстремизм ва терроризмга қарши», «Диний экстремизм — тинчлик кушандаси» сингари мавзуларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашув ва бошқа маънавий-маърифий тадбирларда буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли хусусида атрофлича сўз юритилмоқда. Ёшларда миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат ҳиссини кучайтириш, уларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш, йигит-қизлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мавзуларда Олтинсой тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи, Сароисиё туманидаги Янги турмуш маҳалласи, Шеробод туманидаги 31-умумтаълим мактаби, Фуржак-2, Куллуқшо маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа олис қишлоқларда ташкил этилган учрашув ва давра суҳбатлари ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди.

Тўйларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказиш бўйича ҳам фаолларимиз муайян ишларни олиб бормоқда. Улар маърака ва маросимлар, оилавий тадбир ва тўйларни ихчам, камхарж ўтказишни тартибга солишни мониторинг қилиш доимий ишчи гуруҳи таркибида фаолият юритиб, бу борадаги тушунтириш ишларини кучайтирмоқда.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Янги авлод» ёшлар ижодиёти фестивали, «Келажак овози» кўрик-танлови, «Миллий ўйинлар», «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» каби фестивалларда иштирок этиш истагини билдираётган йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани ҳам жойларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар самарасидир.

Ватанга муҳаббат руҳида камол топаётган йигит-қизларимиз таълим муассасаларида аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этаётгани қувонардир. Миллий байрамларимиз арафасида ташкил этилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг уй ишларига кўмаклашишда ёшларимиз фаоллик кўрсатмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида ҳам ёшларимиз бошқаларга намуна бўлмоқда. Улар «Ҳар бир ёшга — бир кўчат» шиори остида жойларда янги боғроғлар, гулзорлар барпо этаётган.

Обод турмуш йилида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда таълим муассасалари ҳамда маҳаллаларни жалб этган ҳолда «Китобхонлик байрами», «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» ёшлар фестивалини ўтказамиз. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси — тараққиётимиз қафолатидир» лойиҳаси доирасида «Концепция билимдонлиги», давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари, ислохотлар мазмун-моҳияти юзасидан «Тафаккур синовлари» кўрик-танловлари ва бошқа кўплаб тадбирларни юксак савияда ташкил этишга пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларни вояга етказиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш, тинч, осойишта, фаровон турмуш кечиршини таъминлашга қаратилган улкан эътибор ва гамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari

Bolalar sporti

Қалбга илҳом берганлар, сизга ташаккур!



... Мактабгача таълим муассасаси. Шовиллаган дарахтлар соясида мураббия болаларга расм чизишни ўргатмоқда.

— Опа, қаранг, мен нима чиздим. — Қизалоқнинг кўнғирқоқдек овози мураббияни, бошқа болаларни сергаклантирди.

Мураббия суратга яхши разм солишга улгурмай, қизалоқ бидирлаб тушунтира кетди:

— Бу — кафт. Ундаги ҳар бир бармоқда оиламизнинг бир аъзоси тасвирланган. Беш бармоқда беш киши, фақат укамнинг ўрни бўш, укам бўлишини жуда хоҳлайман.

Бу расм — Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Республика рассомлик коллежининг 3-курс ўқувчиси Гулҳаё Абдуллаеванинг илк ижодий композицияси эди.

Ижодий муҳитда, педагог рассом ота-она бағрида улғайган кизнинг тасвирий санъатга муҳаббати қизиқишдан ҳаётий мақсадга айланди. Гулҳаё Қарши шаҳридаги 19-мактабда ўқиган кезларида фаолиги, интилувчанлиги билан тенгдошларига намуна бўлди. «Янги авлод» V болалар ижодиёти фестивалида муваффақиятли қатнашиб, диплом билан тақдирланди. Кейинроқ Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг республика босқичида тасвирий санъат йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Мактабни тугатгач, Гулҳаё Республика рассомлик коллежининг лок-миниатюра бўлимига ўқишга кирди. Коллежда ҳам иқтидорини намоён этишга ҳаракат қилди. Бунинг

самараси ўларок, Гулҳаё 2011 йили Ўзбекистон Бадий академияси томонидан «Соҳибқирон бунёдкорлиги» мавзуда ўтказилган ёш мусаввирлар ва миниатюрчилар ижодий танловининг республика босқичида ғолиб бўлди. Бу йил «Тасвирий санъат+5» ҳафталигида маҳорат дарсларини ўтди ва диплом билан тақдирланди.

Гулҳаё табиатан ижодкор киз, у билан суҳбатлашган киши гуруннинг кайфиятидан буни тез илғайди. Тенгдошимиз санъатдаги изланувчанликни қадрлайди ва ўзи ҳам бунга амал қилади. Гулҳаёнинг кейинги ижодий ишларини, томошақовоклардан тайёрланган бўртма шаклли тасвирларни томоша қилган киши унинг доим янгиликка интилаётганига амин бўлади.

Бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиши Гулҳаёнинг ҳаётида, ижодий юксалишида муҳим аҳамият касб этди. Бу ҳақда тенгдошимиз шундай дейди:

— Бу юксак мукофотга сазовор бўлиш ҳар бир тенгдошим учун улкан қувончли воқеа. Бундай фахр менга ҳам насиб этганидан жуда мамнунман. Ушбу мукофотни олганимдан сўнг бу эътирофга, ишончга муносиб бўлиш учун ижодга кўпроқ вақтимни бағишляпман. «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни олдим. Бу, албатта, мен эришадиган ютуқларнинг охиригиси эмас. Зеро, Президентимизнинг биз, ёшларга ғамхўрлиги, юксак эътибори ҳаётимиз, ижодий парвозимизда, муваффақиятларга эришимизда мустаҳкам таянч,

ишончли қанотдир.

Гулҳаёнинг мақсади улкан, орзу-нияти бисёр. Қашқадарё вилоятида миниатюра мактабини очишни дилига туккан. Айни пайтда ўн икки нафар шогирди ҳам бор. Уларга ранг-тасвирдан билганларини ўргатишдан эринмайди. Ёруғ манзилларни кўзлаган, қатъият ишонччи ижодига уйғун этган иқтидор соҳибасининг порлаган кўзларидаги ифода — юртимиз санъати ва маданиятига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи кишида ёрқин таассурот қолдиради.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири

Тарбия ҳам дўстона беради

(Давоми,
боши 1-бетда)

Мухтор Мамаюсупов, шунингдек, давра суҳбатида қатнашаётган ёшларга диний экстремизм нима, бу иллатга чалинган одамни нималар кутади, дин билан диний ақидапарастлик орасида қандай фарқ бор, деган саволларга ҳам ўз маърузаси билан жавоб берди.

Ҳаракатнинг Боёвут тумани кенгаши бош мутахассиси Зафар Маҳматқулов миссионерлик ва унинг оқибати, одам савдоси қурбонига айланиб қолмаслик учун кишида қандай хислатлар бўлиши керак, деган савол атрофида мулоҳазаларини мисоллар билан асослаб берди.

Иштирокчилар вақтнинг қандай ўтиб кетганини билмай ҳам қолишди. Чунки мавзу қанчалик долзарб бўлса, муҳокамалар шунчалик жонли, табиий кечди.

Наврўз ТОЖИЕВ

Ёшларнинг ижтимоий акцияси

Бухоро вилоятида «Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз» акцияси бўлиб ўтди.

Ушбу ижтимоий акция «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Республика «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. «Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз» акциясининг мамлакатимиз бугуни ва келажак бўлиши ёш авлоднинг ижтимоий фаоллиги, салоҳияти ҳамда жамиятда кечаётган жараёнларга дахлдорлик ҳиссини оширишда алоҳида ўрни бор. Бухорода ўтказилган мазкур оммавий тадбир бир қатор семинар-тренинглари, учрашувлари ва бошқа лойиҳаларни ўз ичига олди.

Ҳар йили ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлирини кўплаб ёшлар тегишли мутахассисликлар бўйича битириб чиқмоқда. Уларнинг бандлигини таъминлашга «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази қошидаги ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази ҳам ўз ҳиссасини қўшаётир. Акция давомида марказ томонидан ана шу мақсадга қаратилган «Битирувчиларни ишга жойлаштириш имкониятларини ошириш» мавзусида семинар ўтказилди.

— Ушбу лойиҳада иштирок этиб, ишга жойлаштириш учун ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича қимматли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олдиқ, — дейди Бухоро солиқ коллежи ўқув-

чиси Сайфулла Бахшуллаев. — Бу келгусида ишга жойлашимизда бизга жуда кўл келади.

Акция доирасида ўтказилган ёшларда мустақил фикрлаш, ўз нуқтаи назарини қатъий ва асосли ҳимоя қилиш, нотиклик санъати кўникмасини ривожлантиришга хизмат қилувчи «Дилемма» баҳс-мунозара тренингида фаол иштирокчилар республика мунозара форуми финалида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

— Бу йилги акция бир қанча янги тадбирларни ўз ичига олган, — дейди «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими раҳбари Ойбек Қодиров. — Жумладан, дастурга интернет журналистикасига оид семинар-тренинглари киритилди. Мазкур лойиҳалар иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг қобилиятини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутди.

Ҳаёт сифатини оширишда соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал қилиш муҳим омиллардан саналади. Акция дастуридаги «Ҳаёт учун!» оммавий хайрия марафонида беш мингга яқин иштирокчи қатнашди.

Нафақат ёшлар, балки катталарда ҳам қизиқиш уйғотган акция «Ҳаёт учун!» футболшоуси ва эстрада хонандаларининг катта концерт дастури билан якунланди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири

Янги спорт иншооти

Обод турмуш йилида Балиқчи туманининг Олимбек қишлоғи ёшлари ажойиб совға олдилар. Қишлоқдаги фойдаланилмай ётган бино спорт фидойиларининг саъй-ҳаракати билан таъмирланиб, болалар спорти иншоотига айлантирилди. Бу ерда бадий гимнастика, стол тенниси, волейбол ва бошқа спорт турлари бўйича тўғра рақлар фаолият кўрсатади. 120 нафардан зиёд ўғил-қиз ўзлари танлаган спорт тури сирларини пухта ўрганиш имкониятига эга бўлдилар. Ушбу спорт иншоотининг очилиши ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Тантанали маросимда туман ҳокими Ўткирбек Бектемиров ва бошқа сўзга чиққанлар мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидладилар. Спортчи ва мураббийларнинг ишларига муваффақиятлар тиладилар.

Муҳаммаджон КАРИМОВ,
Андижон вилояти

«Kamolot» loyihalari

Жасур ўғлонлар

Фарғона солиқ коллежида касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Ёш кутқарувчилар» мусобақасининг шаҳар саралаш босқичи ўтказилди.

Мусобақада Фарғона ҳуқуқшунослик коллежининг «Учқун», Фарғона саноат коллежининг «Таваккал», Фарғона солиқ коллежининг «Солиқчилар», Фарғона 1-тиббиёт коллежининг «Ибн Сино», Фарғона 2-тиббиёт коллежининг «Учқун» ва Фарғона машинасозлик коллежининг «Лочин» жамоалари саккизта шарт бўйича беллашди.

Иштирокчилар фавқуллодда вазиятлар, тиббиёт, топография, география бўйича билимларини намоён этишди, жисмоний топшириқларни бажаришди. Жамоаларнинг чиқишлари мутахассислардан ташкил топган малакали ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Натижаларга кўра, 1-ўринни «Солиқчилар» жамоаси кўлга киритди. Фарғона ҳуқуқшунослик коллежининг «Учқун» ҳамда Фарғона 1-тиббиёт коллежининг «Ибн Сино» жамоаларига иккинчи ва учинчи ўрин насиб этди. Ғолибларга «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши томонидан махсус диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Азиза ФУЛОМОВА,
«Камолот» ЁИХ Фарғона
шаҳар кенгаши фаоли



«Илк қадам»да мушоира

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Илк қадам» адабий тўғараги ўзининг қизгин ижодий палласига кирди. Ҳозирда тўғаракка вилоятнинг туман ва шаҳарларидан кўплаб ёш иқтидор соҳиблари жалб этилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган тўғаракнинг навбатдаги машғулотларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ижод оламига эндигина кириб келаётган ёшлар олдига турган вазифалар, бўлажак ижодкор масъулияти ҳақида атрофлича фикр юритди. Вилоят миқёсида ёш қаламкашлар билан биргаликда қилиниши лозим бўлган ишларга эътиборни қаратди.

Шундан сўнг тўғарак аъзолари иштирокида «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» мавзусида мушоира бошланди. Шеърхонлик куй ва кўшиқларга уланиб кетди. Ёш эстрада хонандалари ижросидаги кўшиқлар ёшларга завқ улашди.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири



Қонун билан кафолатланган

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баробарида болалар ҳамда ёшларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий қонунчилик тизимида ёшларга оид қонун ҳужжатларини шартли равишда умумий ва махсус аҳамиятдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратиш мумкин. Умумий аҳамиятдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ёшларга оид давлат сиёсатининг умумий асосларини белгилайди. Махсус аҳамиятдаги қонун ҳужжатлари бевосита ёшларга оид давлат сиёсатини ўзида мужассамлаштирган нормалар тизимидан иборатдир. Бундай нормалар тегишли унификация қилинган кодекс, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кодекслари, ўттиздан ортиқ қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг йиғирмадан ортиқ фармони ва 21 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг юздан ортиқ қарори ҳамда етмишга яқин идоравий меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги дав-

лат сиёсатини амалга оширишни таъминлайди. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Ёшлар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган, бу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган миллий қонунчилигимизнинг айримлари хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида болалар ҳуқуқларини таъминловчи ва кафолатловчи меъёрлар белгилаб берилган. Бу БМТ Бош ассамблеясининг 44-сессиясида қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция моҳиятига тўлиқ мос келади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди. Улар орасида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, бола ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, унинг кам-



ситилишига йўл қўймаслик, шунингдек, давлат органларининг мазкур соҳадаги фаолияти ошқоралиги ва очиқлигини таъминлаш белгиланганлигини таъкидлаш керак.

Ёшлар манфаатларини ҳимоялаш соҳасидаги давлат сиёсатида таълим тизимига муҳим аҳамият берилади. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, Ўзбекистонда тўққиз йиллик базавий ўрта таълим ва уч йиллик ўрта махсус, касб-хуна таълимини қамраб олувчи ўн икки йиллик мажбурий таълим тизими жорий этилган. Шунингдек, таълим ва касбий тайёргарлик, узлуксиз малака ошириш, зарурат бўлганда, тегишли равишда касбга қайта тайёрлаш шакллари ва турларини танлаш ҳуқуқи ва кенг имкониятлари яратиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, болалар ва ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларининг босқичма-босқич такомиллаштирилиши уларнинг жамият ва давлат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишида, қолаверса, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Улуғбек ҲУСАИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти бош
илмий ходими.
Эркин НАЖМИТДИНОВ,
мазкур институт етакчи
илмий ходими.



Кейинги йилларда хорижга мўмайгина даромад илинжида кетиб, у ерда турли қийинчиликларни бошдан кечириб қайтаётган, алданган кишиларни учрата-япмиз. Уларнинг алданиб қолишининг олдини олиш мақсадида кўрилатган чора-тадбирлар кўпчиликти нотўғри йўлдан қайтараятган бўлишига қарамай, айрим қаръиятсиз, енгил орзу-ҳавасларга берилган кимсаларга таъсир этмаяпти.

Алданиб қолманг

Бизни ўйлантиргани — ана шундай алданган инсонлар орасида ёш йигитларнинг ҳам борлигидир. Яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланиш, илм эгаллаш ўрнига қимматли вақтларини тезроқ пул топиб, тезроқ машинали, уйли-жойли бўлишга сарф этаётган бундай тенгдошларимиз тақдири биз, ёшларни ҳам ўйлантиради, албатта. Юзлаб тенгдошлари университетларда, институтларда чуқур билим эгаллаётган пайтда қайсидир иқтидорли йигитнинг, тезроқ мўмайгина пул топай, деб бошини оғир ишларга, ташвишларга қўйиб юрганни тасаввур қилишнинг ўзи кишини ўйга толдиради.

«Одам савдоси» деб аталмиш бу мудҳиш тўр қанчадан-қанча оилаларнинг тинчини бузиб, фарзандларнинг бевақт етим бўлиб қолишига сабаб бўлаётганини инкор этиб бўлмайди. Мамлакатимизда бунинг олдини олиш учун кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жамоат жойларида, ташкилот ва муассасаларда, кўчаларда, йўлларда одам савдосига қарши курашга қақриқлар, широрлар осилган. Оммавий ахборот воситалари, хусусан, радио ва телевидение, қолаверса, интернет саҳифаларида ҳам бунга қарши лавҳалар, эшиттиришлар ҳамда видеороликлар тинимсиз бериб борилмоқда.

Юртидан, оиласидан, қавму қариндошларидан узоқлашган бу каби инсонлар тақдири ўзга юртларда қандай кечиши бизга қоронғи. Ана шундай кулфатларни бошдан кечирган, охирикват не-не машаққатлар билан ўз юртига қайтган шахсларнинг аксарияти одамфурушлик қурбонига айланаётганини аввал-бошданок сезганларида эди, бундай кунлар уларнинг бошига тушмаган бўлармиди, дея ҳаёлга толасан, киши.

Инсон нимага интилмасин, ҳаёт фақатгина тўкин яшаш ва пул топишдан иборат эмаслигини чуқур англаб етмоғи лозим, дейишда кўпни кўрган устозларимиз. Умримиз давомида қилаётган ҳар бир хатти-ҳаракатимиз билан ўзгаларга наф келтиришни, оилада ўзаро бирдамликни сақлашни кўзда тутсак, бундай муаммолар ўз-ўзидан йўқолади. Уйлайманки, яхши ҳаёт ҳаманинг ҳам орзуси, бироқ пухта ўйланган қарорлар бизнинг келажақда ҳар қандай орзу-истакларимизни амалга оширишимиз учун етарлидир.

Сайёра ЗУПАРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Инглиз тилини янгича педтехнологияларда ўқитиш



Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Инглиз тилини янгича методика билан ўқитиш усуллари» мавзусидаги видеоконференция ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри ва вилоятдан ташриф буюрган олий ва ўрта махсус касб-хуна таълими ўқитувчилари иштирок этишмоқда. Навбатдаги видеоконференцияда чет тилини ўрганишни такомиллаштириш, ўқувчиларга тил ўқитишда коммуникатив методлар (дарсни ўйин тарзида олиб бориш), тил кўникмалари интеграцияси, мавжуд ўқув-услубий материаллардан самарали фойдала-

ниш, ёзув малакасини ўргатиш, коммуникатив грамматикани ўқитиш, хорижий тилни ўрганишда интернетдан унумли фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

— Бугунги кунда Европанинг элликка яқин мамлакати замонавий тил ўқитиш технологиясини таълим тизимига татбиқ этиб улгурди. Яқинда булар сафига Ўзбекистон ҳам киритилди. Янги-ча тил ўргатиш методикаси

анъанавий тизимдан самарали ва қизиқарлилиги билан тубдан фарқ қилади. Сабаби, ноодатий усулдаги дарс машғулотларида ўқитувчи координатор, яъни «йўл бошловчи», ўқувчи эса «фаол бошқарувчи» вазифасини бажаради. СЕФР номли ушбу дастурда фонетика, лексика, грамматикани айрим ҳолда эмас, уни умумлаштирган тарзда етказиш, ўқувчида бир вақтнинг ўзида тўрт хил — кўриш, эшитиш, гапириш, ёзиш-ўқиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади. У ўқитувчига дарсларни ташкил этишда

чинакамига кўмақчидир, — дейди видеотренинг ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон ўқитувчилар уюшмаси раиси Феруза Мусаева.

Тадбирда тил ўргатишни интерфаол усулларда ташкил этиш, ўқувчиларнинг мулоқотга киришувчанлик, тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи бир-бирдан қизиқарли янгича усулларни ўқитиш тизимига жорий этиш масаласи муҳокама қилинди.

Одина КУЛМУРОДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Istiqlol farzandlari

Ёшлик — умрнинг олтин фасли. Уни имкониятлар огушида, катта мақсадларга интилиб ўтказиш қандай ҳам яхши! Бугун юртимизда яшаётган, илм олаётган ҳар бир тенгдошимизда умрни мазмунли ўтказиш, улкан муваффақиятлар билан безаш имкони бор. Юртимизда биз, ёшларнинг таълим олишимиз, илмий тадқиқот

билан шуғулланишимиз, улкан ютуқларга эришишимиз учун барча шароитлар муҳайё. Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти, турли номдор стипендиялар, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказиладиган турли кўрик-танловлар, грант дастурлар — булар барчасининг замирида

ёшлар истеъдодини рўёбга чиқаришдек юксак ва олижаноб мақсадлар мужассам. Бугун ана шундай юксак эътиборга муносиб тенгдошларимиз — 2012-2013 ўқув йилида Президент давлат стипендияси соҳиби бўлган иқтидорли, тенгқурларига ўрнатилган ёшлар ҳақида сўз юритамиз.

Осойишта юртнинг билимли фарзанди

Ҳаётда ҳар бир инсон кўп нарсага эришишни истайди, бироқ орзумандларнинг маълум қисми мақсадига эришиш учун курашади, бир муддатга ҳузур-ҳаловатдан воз кечади. Тенгдошимиз Аброр Пирнапасов Президент стипендиати бўлганига қадар вақтини илм олишга, ўзи қизиққан фанни мукамал ўрганишга сарфлади. Айти пайтда ҳам билим эгаллашга бўлган интилиши сусайгани йўқ.

Истиқлолга тенгдош Аброр Олот туманидаги 3-мактабда ўқиган кезларидаёқ мактаб миқёсидаги фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб, устозлар эътиборига тушади. Улар Аброрнинг математикани ўзлаштиришга иқтидори борлигини сезиб, унга Қорақўл туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатида тахсилни давом эттиришни маслаҳат беради.

Ўқитувчилар тавсиясига кўра, Аброр юртимиздаги нуфузли, халқаро фан олимпиадаларига математика бўйича иқтидорли ўқувчилар тайёрлашга ихтисослашган Қорақўл туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатидаги 9-синфига имтиҳон асосида қабул қилинди. Салоҳиятли, бири биридан зукко тенгқурлари орасида таълим олиб, илмда пешқадамликка интилди. 9-синфни тугатган йили Фориш туманида ўтказилган ёзги олимпиадада иштирок этиб, 1-ўринни эгаллади. Бу зафар унинг ўзига ишончини мустаҳкамлади, математикага қизиқишини янада оширди. Аброр

учун ғалабалар эшиги очилди. Вилоят, мамлакат миқёсида ғолиб бўлиб, математика фанидан юртимиз терма жамоаси аъзоси сифатида халқаро олимпиадаларда ҳам муваффақиятли иштирок этди. Қозғистоннинг Алмати, Испаниянинг Мадрид шаҳарларида ўтказилган математика халқаро олимпиадаларидаги иштироки мутахассисларда яхши таассурот қолдирди.

— Халқаро фан олимпиадалари олдида менда ҳаяжон пайдо бўлиб, ҳаёлимни бир ўй чулғарди: халқаро олимпиада ўз номи билан халқаро, унда дунёнинг кучли ёш математиклари қатнашади, улар орасида менга ўрин тегармикан? Шунда дарҳол фикримни жамлашга, диққатимни тайёргарликка қаратиб, устозларим таълимимни шубҳа остида қолдирмасликка ҳаракат қилардим, — дейди Аброр. — 2009 йилда Германиянинг Бремен шаҳрида ўтказилган математика бўйича 50-халқаро олимпиадада қатнашиб, бронза медални олгач, юрагимдаги, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,



деган туйғу янада мустаҳкамланди.

Мазкур ғалабаси туфайли тенгдошимиз Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультетига имтиёзли қабул қилинди. Университетда ҳам фаолликни, изланишни ўзига шир қилди. Математика бўйича юртимизда ўтказиладиган барча олимпиадаларда, асосан, биринчи ўринни эгаллади. Унинг тиришқоқлиги бир неча бор муносиб тақдирланди. Аброр Ўзбекистон Миллий университетининг махсус стипендияси ва Қори Ниёзий номидаги стипендия соҳиби бўлди. Бу йил унинг ютуқлари яна биттага кўпайди: Аброр Пирнапасов 2012-

2013 ўқув йили учун Президент давлат стипендияси билан тақдирланди.

— Давлатимизнинг биз, ёшларга юксак ғамхўрлигини, таълим борасидаги имкониятларни кўриб, бир неча марта хорижий олимпиадалар иштирокчиси сифатида, юртимизда тенгдошларимизнинг замонавий андозалар даражасида билим олишлари учун етарли шароитлар бор, дея оламан. Президент давлат стипендиясига муносиб кўрилганим ҳам шу эътиборнинг самарасидир. Бир мен эмас, балки юртимиздаги ҳар бир иқтидор эгаси давлатимиз диққат марказида. Бу ишончга, ғамхўрликка жавобан биз, албатта, юксак билимли, етук маънавиятли, ватанпарвар, юртимизга муносиб фарзандлар бўлишимиз керак, — дейди тенгдошимиз.

Аброр айти пайтда «Квадратик стохастик операторлар назарияси ва генетик алгебра» мавзусида илмий тадқиқот олиб борапти. Тенгдошимизнинг ниёти эзгу, мақсади баланд: келажақда илмдаги изланишларини давом эттириб, халқимизнинг жаҳон тан олган математиклари сафидан жой олишни дилга туккан. Билим олишдан эринмайдиган, илм тугунларини ечишдан завқланадиган йигитнинг шижоати, интилишини кўриб, ҳавасинг келади, киши.

**Хайридин МУРОД,
«Turkiston» мухбири**

Ишонч ва рағбат изланишга ундайди

Инсон орзу-умидсиз яшай олмайди. Порлоқ келажак бунёд этиш учун тинмай ўқиб-изланади, меҳнат қилади. Наманган муҳандислик-педагогика институтининг молия таълим йўналиши талабаси Муяссархон Муродова ана шундай, маррани баланд кўйган, илмий изланишдан чарчамайдиган тенгдошларимиздан.



Муяссархоннинг молия соҳасига олдиндан қизиқиши баланд. Институтга киргач, ихтисослигини мукамал эгаллаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари янада жиддийлашди. Барча фанлардан юқори натижаларга эришишга интилди. Илмий изланишлари бўйича «Иқтидорли талабалар ва магистрантлар, аспирантлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг илмий-амалий конференцияси», «Кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда замонавий педагогик технологияларнинг роли: тажриба ва истиқболлар» каби республика нуфузли илмий-амалий конференцияларида муваффақиятли иштирок этди. Ҳозиргача 11 та илмий мақола-тезиси нашр қилинди.

— Илм билан шуғулланиш масъулият ва қизиқиш билан уйғун бўлса, самара кутилганидек бўлади, — дейди Муяссархон. — Юртимизда билим олиш учун имконият кенг. Биргина мен тахсил олаётган институт мисолида шуни айтиш мумкинки, таълим олишимиз, илмий тадқиқотлар билан шуғулланишимиз учун барча шароитлар мавжуд.

Тенгдошимиз ўтган йили институтда мунтазам ўтказиладиган республика талабалар фан олимпиадасида касб таълими фанлари бўйича фаол иштирок этиб, биринчи босқичда юқори ўринни қўлга киритиб, иккинчи босқичда эса фахрий ёрлик билан тақдирланди. Бу йил Президент давлат стипендияси билан тақдирланди. Билим пойдеворини мустаҳкамлаб, ютуқлар йўлида илдам бораётган Муяссархон айти пайтда «Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион технологиялар» мавзусида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

«Бахт ва омад инсон ҳаракати билан изма-из юради. Тинимсиз қилинган меҳнат, албатта, ўз самарасини беради». Бу — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг талабаси, Президент давлат стипендияси танлови ғолиби Бобуржон Обидовнинг ҳаётий шиори.

Бу ҳали ҳаммаси эмас

Бобуржон Наманган аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган мактаб-интернатда ўқиб юрган кезларидаёқ журналист бўлишни дилига муҳраганди. Шунданми, ўтказилаётган ҳар бир танлов эътиборидан четда қолмасди. Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллигига бағишланган «Сени севаман, Ўзбекистон!» телетанловида 2-ўринни эгаллади. Ғалаба кимга ҳам ёқмайди, дейсиз?! Шундан сўнг ўз келажак учун дадил қадам ташлай бошлади. 2003 — 2008 йиллар мобайнида рус тили бўйича халқаро «Светозор» олимпиадасининг сиртки босқичида фаол иштирок этди. Бир неча бор вилоят фан олимпиадаларида қатнашиб, рус тили бўйича юқори натижаларни қўлга киритди. Жумладан, 2006 йили 9-синф ўқувчилари орасида, 2007 йили Наманган давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг талабаси сифатида қатнашиб, 1-ўринни эгаллади. 2008-2009 йилларда фан олимпиадаларининг вилоят ва республика босқичида 1-ўринни олиб, 1 даражали диплом ҳамда республика олимпиадасининг ғолиби гувоҳномасини олди. 2008 йилда халқаро олимпиадада қатнашиш учун ўтказилган республика миқёсидаги танловда 1-ўринни олиб, республика терма жамоасига қабул қилинди. Шу йилнинг 23-29 июнь кунлари ўтказилган халқаро олимпиадада CI даражаси бўйича халқаро сертификат, I даражали диплом ва «Оғзаки нутқ» номинацияси бўйича диплом билан тақдирланди. Айти пайтда тенгдошимиз «Ўрта Осиё минтақасидаги инфорацион жараёнлар» мавзусига бағишланган илмий тадқиқот иши билан шуғулланмоқда.

Бобуржон нафақат илмда, балки жамоат ишларида ҳам фаол. Шу боис уни 2010 йилда «Камолот» ЁИХ факультет бошланғич ташкилоти етакчиси этиб сайлашди. Энди у биргина ўзи учун эмас, балки факультетга янги зафарлар олиб келишни ўз олдига мақсад қилган.

**Ойдин РЕЖАББОВА,
Наманган вилояти**

Ишлашни истайсизми?

Тошкентда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг иқтисодий барқарорлиги ҳамда бандлигини таъминлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, лойиҳанинг бирламчи мақсади ушбу оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини ошириш ҳамда бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини кучайтиришдан иборат. Давра суҳбатида лойиҳа бўйича маҳаллий ҳамкорлар: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ижтимоий масъул фуқаролар форуми, Мирзо Улуғбек тумани бандликка кўмаклашиш маркази мутахассислари, шунингдек, лойиҳада иштирок этаётган оилалар ҳамда маҳаллалар раисларининг маслаҳатчилари қатнашишди.

«SOS — Болалар маҳаллалари» уюшмасининг Тошкент шаҳридаги филиали менежери Шухрат Юсупов иштирокчиларни лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар билан таништирди. Хусусан, ўтган йили 42 та оила ўртасида сўровнома ўтказилган бўлиб, уларнинг иқтисодий аҳволи, иш топиш ва ишга жойлашиш, оила бюджетини режалаштириш ва даромадларини шакллантириш борасида мавжуд муаммолар ўрганилди. Маълум

бўлишича, респондентларнинг 14,6 фоизи ёш боласи борлиги туфайли ҳеч қаерда ишламайди. Худди шу сабабга кўра, яна 10 фоизи умуман ишлаш нияти йўқлигини айтган. 73,2 фоиз респондент иш қидиришда, асосан, қариндош-уруғлар ва танишларнинг маълумотларига таянади. Фақат озчилик интернет ва оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилар экан. Шунга қарамай, респондентларнинг 77,5 фоизи имкон тугилса, ўз бизнесини бошлаш истагини билдирган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, лойиҳа давомида мақсадли гуруҳга кирган (бенифициар) оилаларнинг аъзолари учун касбга йўналтириш, иш қидириш, оила бюджетини ва даромадларини ошириш бўйича тренинглари ташкил қилинди. Натижада, етмиш нафар киши иш қидириш кўникмаларига эга бўлди. Улардан эллик нафари малакали психологлар ёрдамида касбга йўналтирилди, тўққиз нафари ишга жойлаштирилди. Шу билан бирга, йигирма беш киши оила бюджетини режалаштириш бўйича индивидуал тарзда ўқитилди.

Айни пайтда лойиҳа ишчи гуруҳи таркибида беш нафар юқори малакали ижтимоий хизмат ходими фаолият

кўрсатмоқда. Улар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга консултатив-амалий ёрдам кўрсатишади.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди лойиҳа иштирокчиларидан бири, уй бекаси Гулнора Турсунова. — Маълумотим олий, мутахассислигим бўйича иқтисодчиман. Коллежда бир йил дарс берганман. Бироқ кейин саломатлигим туфайли узоқ вақт ишлай олмадим. Фарзандларимни катта қилдим. Лойиҳа бенифициари бўлгач, мутахассислар менга уй шароитида шахсий бизнесни юритиш сирларини ўргатишди. Ижодга лаёқатим бор, дастлаб ёғочдан декоратив буюмлар ясашда ўзимни синаб кўрдим. Оиламга даромад кела бошлади. Шундан кейин гултуваклар ясаб, уларни ҳам сотувга чиқардим. Аста-секин иқтисодий аҳволимиз яхшиланди. Мухими, менда ўзимга ишонч пайдо бўлди. Лойиҳа ташкилотчиларидан миннатдорман.

Бугунги кунда ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашда уларга ўз турмушини фаровон этиш ҳамда иқтисодий барқарорликка эришишлари учун зарур кўникма ва малакали маслаҳат бериш юқоридаги самарага эгадир. Бу ишда фақат давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдамга таяниб қолмаслик керак. Зеро, бу айрим оилаларда боқимандалик кайфиятининг шаклланишига олиб келмоқда. Давра суҳбати иштирокчилари ўзаро фикр алмашиш асносида шу хулосага келишди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

ijtimoiy loyiha

Menga so'z bering

12 апрель куни Миллий санъат марказида болалар модаси соҳасида фаолият юритиб келаётган маҳоратли дизайнерлар кичкинтойларимизга мўлжалланган либослар тўпламларини намойиш этишади. 11 апрель куни Миллий санъат марказида ушбу фестивалга тақдим этилган либослар танлови бўлиб ўтади.

Болажонлар либослари намоиши

«Болажонлар — ширинтойлар» болалар мода фестивалининг гала-намоишида учдан ўн тўрт ёшгача бўлган 227 нафар жажжи модел дизайнерларнинг гўзал либосларини кийиб, сахнага чиқади. Либослар тўпламлари юртимиздаги ўсмирлар ва кичик ёшдаги болажонларнинг қизиқишлари, дунёқараш, кайфияти ва феъл-атворининг турли жиҳатлари асосида яратилганлиги билан аҳамиятлидир. Фестивалда мода ихлосмандлари эътиборига «Street style», «Кичик хоним», «Хаёлпарастлар», «Шарқона унсурлар», «Hand made», «Сехрли тола», «Casual» каби йўналишларда яратилган 18 та тўплам ҳавола этилади.

Фестивалда муаллифлик тўпламларидан ташқари республикамиздаги мода мактаблари, «Эски шаҳар» болалар ижодиёти маркази, Шайхонтоҳур туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби, «Қолибри» арт-бюроси, «Paradise» мода театри, «Ўзбекингилсаноат» ДАК қошидаги «Шарқ либослари» дизайн-маркази ижодкор дизайнерларнинг энг сара коллекциялари намойиш этилади.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ҳаётга жорий этилган мазкур лойиҳа ҳар йили «Осиё рамзи» Ўзбекистон дизайнерлари ва модельерлари ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда.

Лойиҳа ёш дизайнерлар томонидан яратилган тўпламларни томошабинларга ҳавола этиш, улар санъатини эл орасида тарғиб қилишга кенг имконият яратади.

Ҳозирда ушбу болалар кийимлари фестивалига тайёргарлик борасида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Turkiston» мухбири

Маҳоратга меҳрни қўшиб...

Ta'lim maskanlarida

Иссиқ жон борки, иситмасиз бўлмайди. Мабодо тобимиз қочиб, шифохонага тушиб қолсак, шифокор кўригидан кейинги укол-дори, томчи укол муолажаси, табиийки, ҳамширанинг зиммасида бўлади. Ҳамшира қўли энгил, ширинсўз бўлса, масъулиятни чуқур ҳис қилса, кўнглингиз хотиржам тортиб, дардингиз ўз-ўзидан анча энгиллашади. Демак, касалнинг тузалишида шифокордан кейин ҳамширанинг ҳам ўрни жуда муҳим.



Ана шундай масъулият юқори касб эгаларини етиштириб бераётган Олмазор тиббиёт коллежидан ҳар йили минглаб ҳамширалар тайёр кадр сифатида мустақил ҳаётга йўлланма олади. Ёшларга касб-хунар сирларини сидқидилдан ўргатиб келаётган устозларнинг бари куюнчак, меҳридор. Бу ерда таҳсил олаётган ўқувчилар ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам фаол, устозларига қанот. Улар кўмагида коллежда маданий тадбирлар ҳам мунтазам ўтказиб турилади.

— Ўқиш ва ишнинг унуми, ривож қайсидир маънода маънавий, маданий ҳордиқ чиқаришга ҳам боғлиқ. Ёшлар янгилик ва ўзгаришларга интилувчан бўлади. Шу жи-

ҳатдан коллеж ўқувчилари аъло ўқиш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. Шу боис коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокидаги тадбирларнинг ўзига хос ўрни бор, — дейди коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари Исомиддин Баҳромов. — Мазалан, март ойида учта йирик маънавий-маърифий тадбир ўтказдик.

КАДРИЯТЛАРГА СОДИК ЁШЛАР

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши ва Олмазор тиббиёт коллежи ҳамкорлигида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» шиори остида

ўтказилган тадбирда 2267 нафар ўқувчи-ёш ва 140 дан ортиқ педагог фаол иштирок этди.

Ёшларга миллий урф-одатларимизга, қадриятларимизга, миллий анъаналаримизга чуқур эҳтиром, ҳурмат ва ифтихор ҳиссини сингдириш, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳар томонлама етук ва баркамол шахсни тарбиялаш каби мақсад ва вазифаларни кўзлаган ушбу фестиваль гоёта кўтаринки руҳда ўтказилди.

Тадбирда ўқувчи-ёшлар ўн та шарт бўйича беллашишди. Унда баҳорий миллий таомлар, энг гўзал гулчамбар, «Бегойим қиз» миллий соч турмаклар, фольклор қизи, баҳорий деворий газета, қўли гул дурдоналар,

миллий либослар галереяси дурдоналари, варрактлар сайли, арқон тортиш ва кураш мусобақалари ташкил этилди.

БАҲОРГА ЎХШАЙДИ БУ «ДИЛБАР ҚИЗЛАР»

Ўзининг илиқ нафаси билан оламга кўрк, тароват бахш этиб, кўнгиллардан губорларни кетказиб, қалбимизнинг туб-тубида ётган туйғуларни жўш урдирадиган баҳор фасли ҳукмрон юртимизда. Илиқ шабадада майсалар майин тебранади. Атрофда ажиб тароват, фусункорлик. Борлиқ она кучоғидай илиқ, куртаклар сўзлашишга шайдек гўё. Бундай гўзалликни ҳар ким ўзича талқин этмоқчи бўлади. Шу ўринда Олмазор тиббиёт коллежи

ўқувчи қизлари ҳам ўз ҳаракатлари ила «Дилбар қизлар» деб номланган беллашув ташкил қилдилар. Беллашувда ҳамширалик иши йўналиши 1-курс ўқувчи қизларидан етти нафари иштирокчилар. Беллашувда ҳамширалик иши йўналиши 1-курс ўқувчи қизларидан етти нафари иштирокчилар. Беллашувда ҳамширалик иши йўналиши 1-курс ўқувчи қизларидан етти нафари иштирокчилар. Беллашувда ҳамширалик иши йўналиши 1-курс ўқувчи қизларидан етти нафари иштирокчилар.

Бундай ютуқ ва олқишларга сазоворликнинг замиридаги меҳнат, ҳаракат бевосита коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Исомиддин Баҳромов, коллежнинг «Қамолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Дилобар Муҳсимова, тарих фани ўқитувчиси Нилуфар Собиржонова ҳамда хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси Наврўза Абдуллаевага тегишли. Саҳна кўринишлари орқали қизларнинг эрта турмушга чиқишларининг салбий оқибатлари, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирлари, одам савдоси каби мавзулар теран очиб берилди.

Беллашувда голиб деб топилган қизлар — Ширин Анварова, Нилуфар Камо-

лова, Малика Мухторова муносиб тақдирланди. Ушбу маънавий озқадан ота-оналар, ўқитувчи ўқувчилар — барча-барча баҳраманд бўлди.

ЯНА БИР МУҲИМ ТАДБИР

«Қамолот» ЁИХ Олмазор тумани кенгаши томонидан «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» мавзuida ўтказилган фестивалнинг фаол иштирокчилари яна ёшлар бўлди. Фестивалда Олмазор туманидаги барча академик лицей ва касб-хунар коллежлари жомалари иштирок этди. Ҳар бир таълим муассасаси республикамиз вилоятларининг ўзига хос таомлари, урф-одатлари, миллий кийимлари ҳамда деворий газеталари билан қатнашишди.

Тошкент шаҳрининг ўзига хос баҳорий таомлари, урф-одатлари ҳамда миллий либослари билан ўттиз нафар ўқувчи қиз иштирок этиб, «Энг ташаббускор жамоа» йўналишида голиб бўлди. Бундан ташқари, коллеж ўқувчи қизлари арқон тортиш мусобақасида ҳам биринчи ўринни қўлга киритиб, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири



... Етмиш ҳунар ҳам оз

Бекобод саноат касб-ҳунар коллежида етти йўналиш бўйича 1491 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Ушбу ўқувчиларга олтинчи нафар педагог ҳамда ўттиз нафар ишлаб чиқариш таълими устаси сабоқ бераётир. Ўқувчиларнинг тўлақонли ва мукамал билим олишлари учун барча зарур шароитлар яратилган. Ўқув ишлаб чиқариш устaxonалари тўлиқ таъмирланган. Бир вақтнинг ўзиде ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини бир маромда олиб боришлари учун устaxonалар зарур техник жиҳозлар билан таъминланган.

Коллеж педагоглари таълим жараёнини замонавий услубда олиб бориш учун янги лойиҳалар устида ишлашмоқда. Швеция лойиҳаси бўйича автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш ва соzлаш механиги йўналишига мос тарзда аргон пайвандлаш ва электропайвандлаш жиҳозлари олинди. Ўтган йили носоз ҳолга келиб қолган саккизта металл кесувчи дастгоҳ тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Чилангарлик ишларида фойдаланиш мақсадида 15 та верстак (дурадгорларнинг дастгоҳи) тайёрланмоқда.

Устaxonаларга янги жиҳозларнинг олиб келиниши натижасида коллежда ўқувчиларнинг ўқув амалиётини ташкил этишда имкониятлар янада кенгайди. Коллежда ёшларга касб-

ҳунар ўргатиш, фуқароларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида тўртта йўналиш бўйича олти ойлик пуллик хизмат кўрсатиш курслари очилди. Ҳозирда кўплаб шаҳарлик ёшлар мазкур курсларга жалб этилган.

Ушбу ўқув йилида коллежни 512 нафар ўқувчи тамомлайди. Айни кунларда дипломолди амалиётларини ўташ ҳамда битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномаларни тузиш давом эттириляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари Зокир Юнусовнинг ташаббуси билан битирувчи ва иш берувчи ўртасида ўзига

хос тарзда алоқалар йўлга қўйилган. Чунончи, ҳар бир корхона тўғрисида маълумотлар жамланмаси тайёрланган: унда мазкур корхонада қанча бўш ишчи ўрни борлиги, айнан қайси йўналишлар бўйича мутахассислар кераклиги аниқ кўрсатилган.

Шунга мувофиқ тарзда жадвал асосида битирувчи гуруҳлардаги ўқувчиларнинг ота-оналари билан йиғилишлар ўтказиляпти, улар билан доимий мулоқот олиб бориляпти. Шаҳардаги мавжуд тижорат банкларида тadbиркорлик билан шуғулланувчилар имтиёзли кредит олишлари мумкинлиги таъкидланмоқда.

Коллеж жамоаси шаҳардаги 17 та умумтаълим мактаби билан мустақам алоқа ўрнатган. Ушбу йилда режа асосида бешта йўналиш бўйича 360 нафар ўқувчи қабул қилиш кўзда тутилган. Яқин кунлар ичида коллежда «Касблар фестивали» ўтказиляди. «Очиқ эшиклар куни» тadbiri эса режага мувофиқ давом эттириляпти.

Ашуралӣ БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири



Омади келди

Германияда юк машинаси бошқарувсиз нақ ўн километр йўл юрди. Бахтли тасодиф туфайли воқеа беш километрлик автомобиллар тирбандлиги билан туғди.

Воқеага ҳайдовчининг бошқарув вақтидаги юрак хуружи сабаб бўлди. Ҳайдовчи хуруж вақтида керакли хабарни автокорхонага етказишга улгурди. Полиция бундан хабар топиши билан йўллари ёғди ҳамда барча ҳайдовчиларга имконият даражасида хабар берди. Бироқ ҳайдовчисиз юк машинасини катта тезликда тўхтатиш ҳақиқий муаммо бўлди. Ўн километрдан сўнг автомобиль компютери ўзи автоматик тарзда машинани мажбурий тўхтатди. Бунга қадар юк машинаси бир неча бетон тўсиққа урилган. Полиция ходимларининг сўзларига қараганда, вазни қирқ тоннадан ошиқ машинани юқори тезликда тўхтатиб бўлмайди. Шунингдек, воқеа ҳеч қандай нохушликка сабаб бўлмаганининг ўзи — мўъжиза. Ҳозирда чехиялик ҳайдовчи шифокорлар назоратида.

Ўн бир кун қор тағида

Шотландияда ёш фермер салкам уч метрлик қор остида ўн бир кун яшаган қўйни кавлаб олди. Энг асосийси, жонивор тирик эди. Ўн тўққиз ёшли Стюарт Мактее исми йиғитчанинг сўзларига қараганда, аввалига унга ҳеч ким ишонмайди.

У уйдан кўрпа олиб келиб, қўйни иштишга ҳаракат қилади. Шунингдек, махсус энергетик ичимлик билан қўйни ўзига келтиришга ҳаракат қилди. Маълумотларга қараганда, қўй қор уюмига ботиб кетган, лекин нафас олиб туриш иложини топган. Ҳозирда жониворнинг аҳоли анча яхши, бошқа қўй-кўзиларга қўшилиб юрибди. Ёш фермер бу уй ҳайвонининг видеотасвирини ҳамда расмларини ижтимоий тармоқларга жойлаштирган. Бу «Facebook» тармоғи фойдаланувчилари томонидан ижобий баҳоланди.

Энг моҳир ошпаз аниқланди

Европада энг моҳир аёл ошпазлар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақада ғолиб бўлган италиялик ошпаз Надя Сантини дунёдаги энг моҳир ошпаз дея топилди. Айни пайтда у бетакрор табиатга эга бўлган Италиянинг Кремоной ва Мантуей шаҳарчалари ўртасида жойлашган, салкам юз йиллик тарихга эга бўлган ресторанинг бош ошпазидир. Шунингдек, бир неча таниқли ошпазларнинг авлоди бўлган Надя италиялик ошпазлар ичида биринчи бўлиб уч юлдузчани кўлга киритган. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилги ғолиб испаниялик Елена Арсак бўлган бўлса, ундан олдин франциялик Анн Софи Пик ғолиб бўлган эди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир ҚАРОМАТОВ
тайёрлади

Болаларга меҳр улашиб



Мактабгача тарбия бола камолотидаги муҳим палла. Ана шу даврда болажонларнинг дастлабки интеллектуал имкониятлари, характер хусусиятлари шакллана боради. Албатта, бунда тарбиянинг ўрни катта. Мактабгача таълим муассасаларида асосий эътибор ана шунга қаратилади.



Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 1-мактабгача таълим муассасасининг олиб бораётган таълим-тарбиявий ишлари эътирофга сазовор. Айтиш мумкинки, муассаса болажонларни мактаб таълимига тайёрлашда катта тажрибага эга. Бу борада шаҳардаги 1-, 2-, 3-умумтаълим мактаблари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатган. Ҳозирда эллик нафар тарбияланувчи болани мактабга кузатиш мўлжалланмоқда.

Матлуба Асомова, Елена Глухоедова, Шоира Авазова, Манзура Турдиева,

Муҳаббат Фозилова сингари маҳоратли тарбиячиларнинг «Болажон» таянч дастурига мувофиқ янги изланишлар асосида иш олиб бораётганлиги самарали кечмоқда. Айниқса, ноодатий методларнинг таълимга татбиқ этилаётганлиги натижасида болаларнинг нутқ қобилиятини ривожлантириш, ақлий ва жисмоний томондан камолга етказиш яшиланмоқда. Энг муҳими, илғор тажрибага таянган ҳолда болалар қалбига йўл топиб, меҳр улашилмоқда.

Эътиборли жиҳати, боғчада «Болажонларни мак-

таб таълимига қамраб олиш», «Бола тарбиясида МТМ ва оила ҳамкорлиги» мавзусига алоҳида аҳамият берилди. Тарбиячиларнинг ўзаро тажриба алмашиш жараёнлари ҳам бевосита мазкур муассасада ўтказиляётганлиги эътиборлидир.

«Ота-онам ва мен», «Соғломжон — полвонжон», «Эпчиллар ва чаққонлар» сингари тadbирларнинг узлуксиз ўтказилиши болажонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. «Эпчиллар ва чаққонлар» вилоят семинарининг ҳам бевосита шу ерда ташкил этилганлиги

кўпчиликнинг эътиборини тортди. Яқинда шаҳар боғчаларидаги тарбиячиларнинг семинар-тренинги ўтказилиб, унда тарбиячилар ўзаро тажриба алмашдилар.

МТМда тўгаракларга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, инглиз тили, аэробика, қўл меҳнати сингари тўгаракларга болажонларнинг қизиқиши катта. Ана шундай тўгаракларга кўпроқ жалб этиш орқали болажонларни мактаб таълимига пухта тайёрлаш мумкин бўлади.

Гулжаҳон СУВОНОВА



БАҲОР

*Қиш ўтиб, баҳор келди,
Дехқон далага елди.
Наврўздан хабар келди,
Диллар шодликка тўлди.*

*Булбуллар гўлни қучиб,
Қалдирғоч келди учиб,
Совуқ кунлар чекинди,
Аёз кунлар бекинди.*

*Оппоқ қорлар қатидан,
Совуқ кунлар кетидан,
Бойчечак бош кўтарди,
Майсажонлар кўкарди.*

ВАТАН

*Ватан надир? У онами
Ёки достон, афсонами?
Доим сирдош бўлгучи
Яқин дўсту дугонами?*

*Ватан — бу сенинг жонинг,
Ризқ-рўзинг, тузу нонинг.*



*Қушлар парвоз айлаган,
Шу мусаффо осмонинг.*

*Бешигингни тебратган
Меҳрибон онамг — Ватан.
Қучоғида сақлаган
Қулбанг, қошонанг Ватан.*

*Сен қай юртда бўлсанг ҳам,
Чорлаб турар бир маскан.
Мана шудир сен билган
Азиз, жонажон Ватан.*

Гулрухсор РАЖАБОВА,
Тошкент педагогика
коллежи ўқувчиси



Болалик орзулари булоқ сувидек шаффоф, мусаффо бўлади. Шу орзуларга умид, мақсадларга қанот бахш этиш улуг саодатдир. Сергели туманидаги «Нилуфар» номли 292-мактабгача таълим муассасаси бегубор болалар камол топаётган масканлардандир.

СУРАТДА: 292-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Гулнора Гумерова болаларга машғулот ўтати.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавҳаси

Kaleydoskop

СУВ ВА ҲАВО

Тилимизда «сув ва ҳаводек зарур» деган ибора мавжуд. Хўш, нега айнан сув ва ҳаводек? Сабаби, одам ҳавосиз уч дақиқа ҳам яшай олмайди. Эътиборли жиҳати шундаки, инсон бир кун давомида 24 килограммгача ҳаво ютади, бу худди шунча вақт ичида ичилган сувдан деярли ўн олти марта кўпдир.

ҚУЁШ НУРИ СОҒЛИҚҚА ФОЙДА

Олимларнинг таъкидлашича, қуёш нурининг организмиз учун биологик аҳамияти ва фойдаси жуда катта. Энг аввало, иммунитетни мустақамловчи, умумий теклаштирувчи таъсирга эга. Шу билан бирга, атроф-муҳит мусаффолигига ёрдам беради. Қуёш ёруғлигининг ультрабинафша нурлари таъсирида болаларнинг иммунобиологик кўрсаткичлари яхшиланади, юқумли касалликларга чалиниш, умуман, касалланиш хавфи пасаяди.

Психологлар эса, ёруғлигининг руҳиятга ҳам таъсир кўрсатишини аниқлаганлар. Унга кўра, қуёш нури ижобий ҳиссиётлар, кўтаринки, қувноқ кайфиятни юзага келтиради.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ тайёрлади

↙	Гап бош бўлаги	↘	Куйма олтин	↙	Обсерватория (Ўзбекча)	↘	Ички филтратъёзо	↘	...-хунар	↘		
↘												
	Оғир ва енгил ... (спорт)		Сўз ясовчи қўшимча	→			Сен (шевада)		★			
Чорва-боп озуқа хили	→						Шаҳобидинов (реж)	→		↘		
7	6						Орқа (синоним)	↘		Мукофот, соврин		
	4	3			9							
3	2			7	5	6						
	4		1				↘		Ихлосманд, шайдо	Атир...		
	8			7								
			3		2		Давра-мизга ... келиб-сиз!	↘		↓		
	6	2	8		1	9						
		7		9	6				Тунги хордиқ	Уй паррандаси		
8			3	7								
↘	↘						Фойда, даромад	↘		↓		
	Хусусият, хислат		...нг бароридан келсин		Ўзбек валютаси	↘			Она-нинг акаси	«Обод ... йили»		
↘					Мисрдаги дарё		Инкор юкламаси Ер ўлчови бирлиги	↘		↓		
	Тана руҳи	Бўлак, парча		Соғ- ...	↘					Қатъий қарор		
↘					Дезинфекция моддаси			7	5		9	
									2	5	1	
	Пардоз, сайқал		Нерв тизими	↘				4		7	2	
								7				
↘			АҚШ тутиси						5	1	9	
												4
Улкан сув жонивори	Заҳ, хўл	↘										9
								8		3	6	
↘			Хайкал-боп металл бирикма	→								

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Mening fikrim

Сиз китобга дўстмисиз?

Инсон ўзига яқин одамлар тоифасидан дўст излагани каби ўз руҳий дунёсига уйғун китобларни ўқигиси келади. Минглаб китоблар орасидан танлаб олганимиз, қўлдан қўймай ўқиётган китобимиз бизнинг дунёқарашимиз, қизиқишимиз, дидимиз ҳақида тасаввур беради. Баъзан, фалон китобни ўқиб чиқдим, жуда зўр асар экан, деймиз. Чунки ўқиган китобимиздаги ҳар бир қаҳрамон худди ҳаётдагидек кўз ўнгимизда гавдаланади. Шу боис ўша қаҳрамонимиз қулса, бирга қулиб, йиғласа, бирга йиғлаймиз. Бу эса чинакам асарнинг инсон қалбига яқинлигини билдиради.

Ҳаётда шундай тубан кимсалар борки, яқинларимизни улардан асрагимиз, огоҳлантиргимиз келади. Улар билан дўстлашиш у ёқда турсин, беихтиёр яқинига ҳам йўлама, дегимиз келади. Китоблар ҳам худди шундай: эзгуликка чорловчи, маънавият сари етакловчи омилдир. Аммо шундай китоблар ҳам борки, дидингизни ўтмаслаштириб, маънавиятингизни хиралаштиради. Бундай китоблар ҳар қанча кўз-кўз қилинмасин, чиройли, жимжимадор муқоваларига зеб берилмасин, охир-оқибат ўзининг ҳаққоний баҳосини олади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бугунги кунда китобнинг қадрсизланишига бизнинг китоб ўқимай қўйганимиз сабаб бўляптимики? Баъзида мактаб ўқувчиси ҳам тўрт-бешталаб китоб чиқаряпти. Табиийки, бунга айрим «ҳожатбарор» ноширлар ўз ҳиссасини кўшмоқда. Ахир, бундай китоблардан нима-ни ўрганиш, қандай маънавий озуқа олиш мумкин?! Ҳақиқий китобхоннинг диди нозик бўлади: сарагини пучидан ажратиш олади. Бугун миллий кадриятларимизга, маънавиятимизнинг юксалишига хизмат қиладиган нодир асарларни кўпроқ мутолаа қилишимиз, ёмон иллатларга қарши ўзимизда маънавий-маърифий иммунитет ҳосил қилишимиз лозим. Бу эса чинакам бадий асарларни, катта маҳоратга эга, фавқуллодда истеъдод соҳиблари ёзган китобларни мутолаа қилиш орқали амалга ошади.

Тўғри, глобаллашув жараёни мисли кўрилмаган тезликда рўй бермоқда, кундан кунга замонавий технологиялар тараққий этиб бормоқда. Бугун биз интернетдан ўзимизга керакли хоҳлаган маълумотни топишимиз мумкин. Бироқ интернет китобнинг ўрнини боса олмайди. Жамиятимизда юксак дидли китобхонларнинг сони қанчалик кўп бўлса, бизни ўйлантирадиган маънавий муаммоларнинг ечими ҳам шунча осонлашади. Бундан аён бўладикки, биз кўп китоб ўқимаяпмиз, тафаккур ҳазинасининг бойлигидан янада баҳраманд бўлишни истамаяпмиз. Ҳеч қачон инсоният маънавий мулкнинг нодир жавоҳирларини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Ана ўшандагина илҳомсиз, руҳий тўлғоқсиз ёзилган, тор доирадаги китоблар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Чинакам асарларни ўқишимиз, тарғиб қилишимиз учун, шубҳасиз, фикрий дангасаликдан қутулишимиз, мақсадларни юксак чўққилар сари боғламоғимиз керак.

Зарина СУВОНОВА,
Тошкент темир йўл муҳандислари
институтини талабаси

YON DAFTARCHANGIZGA

Аёл қанча гўзал бўлса, шунчалик ҳаёли бўлиши керак.

Виктор Гюго

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

ISSN 2010-6998



Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Абулфаизов
Хайридинмурод
Маҳмудович

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

(371) 233-95-97. (371) 233-79-69

e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-443.
Адади — 13965

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.45
ЎЗА якуни — 21.20

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6